

Date: 27th March-2026

**ХУДУДЛАРНИНГ ИҚТИСОДИЙ РИВОЖЛАНИШИНИ ТАЪМИНЛАШДА
ТАДБИРКОРЛИКНИ ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШГА ҚАРАТИЛГАН СОЛИҚ
МЕХАНИЗМЛАРИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

Ахмедов Зафар Холмуминович

Давлат сиёсати ва бошқаруви академияси мустақил тадқиқотчиси

Кириш

Хозирги глобал иқтисодий шароитда ҳудудларнинг барқарор ва мутаносиб ривожланишини таъминлаш ҳар бир давлат иқтисодий сиёсатининг устувор йўналишларидан бири ҳисобланади. Айниқса, кичик ва ўрта тадбиркорлик субъектларининг иқтисодий фаоллигини ошириш орқали ҳудудларда иш ўринлари яратиш, аҳоли даромадларини кўпайтириш ва иқтисодий ўсишга эришиш муҳим аҳамият касб этади. Ушбу жараёнда солиқ механизмлари тадбиркорликни рағбатлантиришнинг энг таъсирчан иқтисодий инструментларидан бири сифатида намоён бўлади.

Ўзбекистонда 2016–2025 йиллар давомида тадбиркорликни ривожлантириш, солиқ сиёсатини либераллаштириш ва солиқ маъмуриятчилигини такомиллаштириш бўйича кенг қўламли ислохотлар амалга оширилди. Солиқ ставкаларининг пасайтирилиши, ҳисобот жараёнларининг рақамлаштирилиши ҳамда солиқ назоратининг рискка асосланган тизимга ўтказилиши тадбиркорлик фаолияти учун нисбатан қулай муҳит яратишга хизмат қилди. Бироқ мазкур ислохотларнинг ҳудудий иқтисодий ривожланишга таъсири бир хил эмаслиги ушбу масалани чуқур илмий таҳлил қилиш зарурлигини кўрсатади.

Тадқиқотнинг назарий асослари

Замонавий иқтисодий адабиётларда солиқ тизими тадбиркорлик қарорларига таъсир этувчи муҳим омил сифатида қаралади. Тадқиқотлар адолатли солиқ тизими ва солиқ маънавияти юқори бўлган жамиятларда ихтиёрий солиқ тўлаш даражаси юқори бўлишини кўрсатади. Аксинча, қоидаларнинг мураккаблиги ва прогноз қилиб бўлмаслиги ноқонуний фаолликни рағбатлантириши мумкин.

Тадбиркорлик ва солиқ сиёсати ўртасидаги ўзаро боғлиқлик иқтисодий тадқиқотларда кенг ўрганилган. Кўплаб олимлар солиқ юки, солиқ маъмуриятчилиги сифати ҳамда институтларга бўлган ишонч тадбиркорлик фаоллигига бевосита таъсир қилишини таъкидлайдилар. Хусусан, солиқ ставкалари юқори бўлган ва маъмурий тартиб-таомиллар мураккаб бўлган шароитда тадбиркорлар норасмий секторга ўтишга мойил бўлишлари мумкин.

Айрим тадқиқотлар солиқ маънавияти тушунчасига алоҳида эътибор қаратиб, уни давлат институтларига ишонч, адолатлилик ва жамоат манфаатларига садоқат билан боғлайди. Агар тадбиркорлар солиқ тизимини адолатли деб ҳисобласалар, ихтиёрий равишда солиқ тўлаш даражаси ошади.



Date: 27th March-2026

Шу билан бирга, ҳудудий иқтисодий ривожланишга бағишланган ишлар инфратузилма, молиявий ресурслардан фойдаланиш имконияти ва маҳаллий бошқарув самарадорлиги каби омиллар ҳам муҳим аҳамиятга эга эканини кўрсатади. Бироқ солиқ механизмларининг айнан ҳудудлар кесимидаги таъсири кўп ҳолларда етарлича тадқиқ этилмаган.

Ўзбекистон бўйича мавжуд адабиётлар асосан солиқ ислохотларининг умуммиллий таъсирига бағишланган бўлиб, ҳудудий тафовутларни комплекс эмпирик баҳолаш етарлича ривожланмаган.

Асосий қисм

Солиқ маъмуриятчилиги ва тадбиркорлик фаоллиги

Сўров натижалари солиқ маънавияти ва адолат юқори баҳоланган ҳолларда солиқдан бўйин товлаш эҳтимоли паст бўлишини кўрсатади. Аксинча, солиқ тизимининг мураккаблиги тадбиркорликни соя иқтисодиётига олиб чиқиши мумкин.

Бу натижалар тадбиркорликни ривожлантириш учун жазо чораларидан кўра ишонч ва ҳамкорликка асосланган ёндашув самарали эканини тасдиқлайди.

Макроиқтисодий ва ҳудудий тенденциялар

Миллий ҳисоблар маълумотлари иқтисодиёт таркибида хизматлар улуши ошиб, айрим солиқ кўрсаткичларининг нисбий пасайишини кўрсатади. Бироқ ялпи ҳудудий маҳсулот ўсиш суръатлари ҳудудлар бўйича турлича бўлиб, иқтисодий имкониятлар тақсимоотидаги тафовутлар сақланиб қолмоқда.

Бу ҳолат солиқ сиёсатини ҳудудий ривожланиш дастурлари билан интеграция қилиш муҳимлигини шунингдек, солиқ механизмларини ҳудудий эҳтиёжлардан келиб чиқиб такомиллаштириш зарурлигини кўрсатади.

1-жадвалда Stat.uz миллий ҳисоблари асосида 2018–2025 йилларда ЯИМ ўсиши бўйича миллий тенденциялар, маҳсулотларга соф солиқларнинг ЯИМдаги улуши ва ялпи қўшилган қийматнинг (ЙҚҚ) тармоқ улушлари умумлаштирилган.

1-жадвал. Ўзбекистон: Танланган миллий ҳисоблар кўрсаткичлари (2018–2025)

Йиллар	ЯИМнинг ўсиши (%)	Соф солиқлар (ЯИМга нисбатан %)	Хизматлар улуши (ЯИМга нисбатан %)	Саноат улуши (ЯИМга нисбатан %)	Қишлоқ хўжалиги улуши (ЯИМга нисбатан %)	Қурилиш улуши (ЯИМга нисбатан %)
2018	5,7	9,2	42,0	25,2	25,3	7,5
2019	6,8	7,3	41,9	27,2	22,8	8,1
2020	1,6	6,3	41,3	27,1	23,0	8,6
2021	8,2	6,0	41,8	27,0	22,8	8,4
2022	6,1	5,7	44,6	25,6	21,6	8,2
2023	6,3	4,6	46,7	25,0	20,6	7,7
2024	6,7	3,9	48,2	26,0	18,5	7,3
2025	7,7	4,4	48,6	26,8	17,3	7,3





Изоҳ. ЯИМ ўсиши - реал ЯИМнинг йиллик ўсиши (Ишлаб чиқариш усулида). Сектор улушлари – умумий ялпи қўшилган қийматнинг улушлари. Соф солиқлар улуши - бу ялпи ички маҳсулотга (жорий нархлар) бўлинган маҳсулотларга соф солиқлар.


Манба: Stat.uz миллий ҳисоблар маълумотлар тўплами.

2018–2025 йиллар учун миллий ҳисоблар маълумотлари иқтисодиёт таркибида сезиларли таркибий ўзгаришлар юз берганини кўрсатади. Жадвалдан кўриниб турибдики, реал ялпи ички маҳсулот ўсиши пандемия даврида кескин пасайган бўлса-да, кейинги йилларда барқарор тикланиш тенденцияси шаклланган. Хусусан, 2020 йилда ўсиш суръати 1,6 фоизни ташкил этган бўлса, 2025 йилга келиб мазкур кўрсаткич 7,7 фоизгача ошган.

Шу билан бирга, маҳсулотларга соф солиқларнинг ЯИМдаги улуши таҳлил қилинаётган даврда изчил пасайиш тенденциясини намоён этмоқда. Агар 2018 йилда ушбу кўрсаткич 9,2 фоиз бўлган бўлса, 2024 йилга келиб 3,9 фоизгача тушган. 2025 йилда қисман тикланиш кузатилган бўлса-да, умумий динамика солиқ юкининг нисбатан юмшаганини кўрсатади. Бу ҳолат тадбиркорлик муҳитини яхшилашга қаратилган солиқ либераллашуви сиёсати натижаси сифатида баҳоланиши мумкин.

2-расмда ЯИМ ўсишининг вақт тенденцияси ва ЯИМдаги соф солиқларнинг улуши кўрсатилган.


Uzbekistan: GDP growth and net taxes share of GDP (current prices)



Date: 27th March-2026

3-расмда ЯИМнинг тармоқ тузилмасидаги ўзгаришлар кўрсатилган.

Uzbekistan: Broad sector shares in GVA (current prices)



Келтирилган маълумотлар солиқ юкининг нисбатан пасайиши билан бир вақтда иқтисодиёт таркибида хизматлар соҳасининг кенгайганини кўрсатади. Бу тадбиркорлик фаолияти, айниқса кичик ва ўрта бизнес учун нисбатан қулай муҳит шаклланиганини англатади.

Бироқ тармоқлар ва ҳудудлар кесимидаги тафовутлар солиқ механизмларини янада мақсадли ва дифференциал тарзда қўллаш зарурлигини кўрсатади. Демак, келгусидаги солиқ сиёсати универсал эмас, балки ҳудудий ва сектор хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда ишлаб чиқилиши лозим.


Ҳудудлар бўйича аҳоли жон бошига ЯҲМ ва ўсиш суръатларида сезиларли тафовутни кўрсатади.

4-расмда 2018–2025 йиллар учун Ҳудудлараро ЯҲМ ўсишининг “иссиқлик харитаси” келтирилган бўлиб, унда ҳетероженлик ва циклик тебранишлар таъкидланган.



Date: 27th March-2026

4-расм. Худудлар бўйича ЯХМ ўсиш суръатлари, 2018–2025 йиллар.



Иссиқлик харитаси худудлар кесимида иқтисодий ўсиш суръатлари бир хил эмаслигини, яъни сезиларли **хетероженлик** мавжудлигини яққол намоён этади.

2020 йилда барча худудларда ўсиш суръатларининг пасайиши ташқи шок таъсири билан изоҳланади. Бироқ 2021 йилдан бошлаб тикланиш жараёни бошланган ва айрим худудларда ўта юқори суръатлар қайд этилган.

Энг юқори динамика, одатда, иқтисодий инфратузилмаси ривожланган ва бозор ҳажми катта бўлган худудларда кузатилади. Айниқса, пойтахт ва йирик sanoat марказлари тезроқ тикланиш траекториясини намоён этган.

Шу билан бирга, айрим худудларда ўсиш нисбатан секин бўлиб, бу ерда инвестиция, логистика ва бозорларга чиқиш имкониятлари чекланганлигини кўрсатиши мумкин.

Берилган динамика худудий иқтисодий ривожланишда **циклик тебранишлар** ва бошланғич шарт-шароитлар муҳим аҳамиятга эга эканини тасдиқлайди. Яъни, юқори базага эга худудлар тезроқ ўсади, кам ривожланган худудларда эса тикланиш секин кечади.

Бу эса солиқ сиёсатини ишлаб чиқишда ягона ёндашув етарли эмаслигини, худудларга мослаштирилган рағбатлантириш механизмлари талаб этилишини англатади.


5-расмда юқори даромадли худудлар учун ЯХМ ўсиш траекториялари (аҳоли жон бошига ЯХМ бўйича) кўрсатилган.



Date: 27th March-2026

5-расм. Танланган юқори даромадли ҳудудлар учун ЯҲМ ўсиш траекториялари.

GRP growth trajectories for top regions by GRP per capita (2016-2025)



5-расм танланган юқори даромадли ҳудудларда аҳоли жон бошига ялпи ҳудудий маҳсулот ўсишининг вақт бўйича динамикасини акс эттиради. Кузатишлар шуни кўрсатадики, мазкур ҳудудларда ўсиш суръатлари нафақат республика ўртача кўрсаткичларидан юқори, балки ташқи шоклардан кейин ҳам тез тикланиш қобилиятига эга.

2020 йилда барча ҳудудларда кескин пасайиш кузатилган бўлса-да, 2021 йилда юқори даромадли ҳудудлар жуда тез ўсиш траекториясига қайтган. Айниқса, пойтахт ва саноат салоҳияти юқори бўлган ҳудудларда тикланиш суръати анча юқори бўлган.

Кейинги йилларда динамика нисбатан барқарорлашган бўлиб, ўсиш юқори, лекин кескин тебранишларсиз давом этмоқда. Бу мазкур ҳудудларда иқтисодий база мустаҳкам ва диверсификацияланган эканини кўрсатади.

Юқори даромадли ҳудудлар мисоли шуни кўрсатадики, тўғри институционал ва солиқ шароитлари яратилганда иқтисодий ўсиш нафақат тезлашади, балки барқарор характер касб этади.

Муаммолар

Шу билан бирга, тадбиркорлик фаолиятини рағбатлантиришга қаратилган солиқ механизмлари ҳудудлар кесимида бир хил самара бермаяпти.

Амалдаги солиқ тизимида қуйидаги муаммолар мавжуд:

- солиқ қонунчилигининг тез-тез ўзгариши тадбиркорлар учун ноаниқликни оширмоқда;
- солиқ маъмуриятчилигининг мураккаблиги кичик бизнес субъектлари учун қўшимча харажатларни юзага келтирмоқда;



Date: 27th March-2026

• солиқ имтиёзларининг асосий қисми йирик ва давлат иштирокидаги корхоналар ҳиссасига тўғри келиб, ҳудудий тадбиркорлик етарлича рағбатлантирилмаяпти.

Сўровнома ва статистик маълумотлар таҳлили натижаларига кўра, солиқ адолати ва солиқ маънавияти юқори бўлган ҳудудларда тадбиркорлик фаоллиги нисбатан юқори даражада шаклланмоқда. Солиқ тизимининг адолатли ва шаффоф ташкил этилиши тадбиркорларнинг расмий секторда фаолият юритишга бўлган қизиқишини оширади ва солиқдан бўйин товлаш ҳолатларини камайтиради.

Шу билан бирга, солиқ маъмуриятчилигини рақамлаштириш, ҳисоботларни соддалаштириш ҳамда рискка асосланган солиқ назорати механизмларини жорий этиш тадбиркорлик субъектларининг маъмурий юқини камайтиришга хизмат қилади. Бу эса ҳудудларда янги бизнес субъектларининг пайдо бўлиши ва мавжуд корхоналарнинг кенгайишига ижобий таъсир кўрсатади.

Таклиф ва хулосалар

Таҳлил натижалари асосида ҳудудларнинг иқтисодий ривожланишини таъминлашда тадбиркорликни қўллаб-қувватлашга қаратилган солиқ механизмларини такомиллаштириш бўйича қуйидаги таклифлар илгари сурилади:

- кичик ва ўрта бизнес субъектлари учун солиқ ҳисоботи ва солиқ тўловлари тартибини максимал даражада соддалаштириш;
- солиқ имтиёзларини ҳудудларда иш ўринлари яратиш, инвестиция жалб этиш ва экспорт фаолияти кўрсаткичларига боғлаш;
- солиқ адолати ва шаффофлигини таъминлаш орқали тадбиркорларда солиқ маънавиятини шакллантириш;
- солиқ сиёсати ва ҳудудий иқтисодий сиёсат ўртасидаги ўзаро мувофиқликни кучайтириш.

Хулоса қилиб айтганда, Солиқ механизмлари ҳудудий иқтисодий ривожланишни таъминлашда стратегик аҳамиятга эга. Уларнинг самарадорлигини ошириш тадбиркорлик фаоллигини кенгайтириш, расмий иқтисодиёт улушини кўпайтириш ва ҳудудлар ўртасидаги тафовутларни камайтиришга хизмат қилади.

Фойдаланилган манбалар рўйхати:

Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси расмий веб-сайти — www.stat.uz

Ўзбекистон Республикаси Солиқ қўмитаси расмий портали — www.soliq.uz

Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва молия вазирлиги расмий веб-сайти — www.imv.uz

Ўзбекистон Республикаси қонунчилик маълумотлари миллий базаси — www.lex.uz

Ўзбекистон Республикаси Очiq маълумотлар портали — www.data.gov.uz

Жаҳон банкининг расмий маълумотлар базаси — www.data.worldbank.org

